Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 113 (20. 980) 1991 йил 14 июнь, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

## Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 13 июнь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов қатнашди.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишни давом эттирдилар. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш тартибининг лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг иш тартиби қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов «Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Д. Н. Шамшетов, Э. Т. Шайхов, М. Т. Зоҳидов, Х. З. Низомитдинов, Т. Ш. Ширинқулов, Ф. Омонов, Н. Ю. Тўраев, М. Р. Раҳмонов, Т. Ҳошимов, Б. К. Нурметов, Ш. Мирзаев, А. Турдиқулов қатнашдилар.

Олий Кенгаш шу масала юзасидан қарор қабул қилди, Иттифоқ шартномасини имзолаш учун делегация таркибини тасдиқлади.

Сўнгра депутатлар «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ахборот берди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Халқ депутатлари ҳар икки шартномани ратификация қилдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг шу йил баҳорда республикада юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари тўғрисида И. Ҳ. Жўрабеков ахборотини маълумот учун қабул қилдилар.

Депутатлар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ошкоралик масалалари комитетининг раиси Э. Воҳидов маъруза қилди.

Лойиҳани муҳокама қилишда халқ депутатлари Р. Раҳмонов, Н. Саъдуллаев, М. А. Ибодуллаев, С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), Э. Ҳакимов, С. И. Зинин, К. Тўйчиев, М. Р. Отақулова, Т. Йўлдошев, Н. Н. Ёқубов, И. Файзуллаев, Д. Т. Раҳматова, Ўзбекистон ССР прокурори Б. М. Мустафоев қатнашдилар.

Депутатлар Ошкоралик масалалари комитетига айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, лойиҳани пухталаштириш ҳамда уни овозга қўйиш учун тақдим этишни топширдилар.

Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Б. Ж. Ҳакимов, И. Юсупов, Ҳ. Қ. Эшонқулов қатнашдилар.

Муҳокама қилинаётган масалага доир музокараларни давом эттиришга қарор қилинди.

Сессия ўз ишини давом эттиради.





Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида.

В. МОЛГАЧЁВ олган суратлар.

● *Долзарб мавзуда суҳбат*

## БИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛАЁТГАН ЎЙЛАР

**Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири Машкура МИРЗАМУҲАМЕДОВА жумҳурият халқ депутатларига мурожаат қилиб, сессия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини сўради.**

### ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ТАРАФДОРИМАН



Фотима РАЖАБОВА,

**Элликқалъа район марказий касалхонаси кардиолог-врачи.**

— Мени қизиқтираётган асосий масалалардан бири Иттифоқ шартномасидир. Чунки бизнинг келгусидаги сиёсий-иқтисодий тараққиётимиз кўпроқ шунга боғлиқ, деб ўйлайман. Биз Иттифоққа жумҳуриятимиз президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, суверен жумҳурият бўлиб эмас, балки суверен давлат сифатида кирсак мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизнинг районимиз меҳнаткашларининг шу кунги аҳволи ҳақида гап кетадиган бўлса, бу ҳусусда мақтов гап айтиш қийин. Чунки аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган эмас. Қишлоқ жойларида талон бўйича ҳам гўшт берилмайди. Сарёғ ҳам доимо топилавермайди.

Бу йилги табиий офатлар қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Мевалар тўкилиб кетди. Бозорда нарх-наво ниҳоятда баланд. Натижада халқнинг турмуш даражаси тобора пасайиб кетяпти. Сайловчилар шу маҳсулотлар арзон бўлишини сабрсизлик билан кутишяпти. Бир томондан улар ҳам Иттифоқ шартномасига катта умид боғлашяпти. Кези келганда яна бир нарсани очиқ айтишга тўғри келади. Бизнинг минтақамизда экология ниҳоятда бузилганлиги халқ саломатлигига катта путур етказяпти. Оналар ва болаларда камқонлик хасталиги кўпайяпти. 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёллар, яъни бола туғиш ёшидагилар диспансер кўригидан ўтказилмоқда. Бу кўрик натижасида аёлларнинг ҳар юз нафаридан 90 нафарида, ҳатто турмушга чиқмаган қизларда ҳам камқонлик касаллиги борлиги маълум бўлди. Бу шуни кўрсатадики, улар оқсил моддаларига бой озиқ-овқатларни етарли истеъмол қилмаётирлар.

Биз қимматбаҳо кийим-кечак киймасак ҳам майли, бироқ оқсилга бой, сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари етарли бўлишини истаймиз. Шунинг учун қўшни жумҳуриятлар ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида ўзаро ҳамкор бўлсалар бу соҳада аҳвол яхшиланган бўлур эди. Куни кеча Туркманистон ва Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасидаги шартномалар ратификация қилинганлиги мени беҳад қувонтирди. Бу бизга ҳар томонлама фойда келтиради, деган умиддаман.

Депутат сифатида мени ташвишга солган нарсалардан бири чакана нархларнинг оширилганидир. Болалар кийим-кечакларининг баҳоси кескин кўтарилиши айниқса оналаримизни анчагина ўйлатаётганлигини яшириб ўтирмайман. Кўп болали оилаларга тўланаётган компенсация ҳам бундай баланд нархни қоплай олмайди. Ойликни оширишдан эса ҳеч қандай дарак йўқ. Албатта ҳар бир киши келажакка умид билан боқиши керак. Қийинчиликлар орқада қолиб, хушнуд кунлар келишига ишончим комил.

●

### МАҲСУЛОТ ХАРИД НАРХИ ОШИШИ КЕРАК



Қодир ОЛЛОБЕРГАНОВ,

**Боғот район «Боғот» давлат хўжалиги пахтачилик ва шоличилик бригадаси бошлиғи,СССР Давлат мукофоти лауреати.**

Биз Туркманистон билан ён қўшнимиз. Ота-боболаримиз бир-бирлари билан қариндош-уруғ, қуда-қудағай бўлиб аҳил яшашган. Узоқ йиллар мобайнида ўзаро савдо-сотиқ, маданий алоқалар қилганмиз. Айниқса, Тошовуз области бизга жуда яқин. Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификация қилиниши бизнинг қўшничилик алоқаларимизнинг янада ривожланишига катта ёрдам беради.

Хўжалигимиз кўп тармоқли. У 3 минг гектар экин майдонига эга. Бригадамизда эса 500 гектар экин майдони бор. 200 гектарига пахта экканмиз. Гектаридан 34 центнер ҳосил олиш ниятидамиз. 210 гектарга шоли экдик, 60 гектарга эса беда. 6 гектар боғимиз бор. У ерда узум-олма, ўрик, шафтоли каби мевали дарахтлар мавжуд. Бу йилги иқтисодиёт қийинчиликларини назарда тутиб, 26 гектар ерга буғдой сепдик. Яқин кунларда етилган олтин бошоқлар ўриб олинади. Унинг ўрнига силосбоп маккажўхори экамиз. Ўтган йили хўжалигимиз 1 миллион сўм даромад қилди. Бу йил эса 1 миллион 800 минг сўм даромад олиш кўзда тутилган.

Сессияда давлатга бериладиган маҳсулотнинг харид нархини ошириш масаласини қўймоқчиман. Бўлмаса ҳозирги чакана нархлар ниҳоятда ошган бир шароитда аҳолининг турмуш даражаси янада пасайиб кетади. Арғамчига қил қувват деганларидек, қишлоқ хўжалик маҳсулоти харид нархи ошиши меҳнаткашлар турмуш даражасини бирмунча барқарорлаштириб туришга ёрдам берган бўлар эди.

●

### ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК

**Муродилла САИДОВ,**
**Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли давлат хўжалиги директори.**

Бу сессиядан жуда кўп нарса кутяпман. Республикамиз суверен давлат бўлиши тарафдориман. Чет эллар билан бевосита алоқа қилсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маҳсулотимизнинг камида 20-25 фоизини ва режадан ташқари маҳсулотни ўзимиз сотиш имкониятига эга бўлсак нур устига аъло нур бўлур эди. Бу билан биз ик-



кита масалани ҳал этардик. Бизга бегона бўлган ишбилармонлик санъатини эгаллаб, шу билан бирга хўжалигимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этардик. Бизнинг районимиз ҳудудидаги хотин-қизларнинг кўпчилиги ижтимоий фойдали меҳнатдан четда қолмоқдалар. Ишга яроқли 6,5 минг аҳолининг 3 минг 300 нафарга яқини хотин-қизлардир. Шунинг учун майда корхоналар ташкил этсак, уларни иш билан таъминлаш ҳам ҳал бўларди.

Сессия кун тартибига қўйилган виждон эркинлиги жиддий масалалардан бири. Биз кўп йиллар мобайнида ўзлигимизни унутдик. Биз бой маданиятга эга бўлган халқмиз. Шу масалани тўғри таҳлил қилсак, келажакда ўз қадриятларимизни тикласак ва ўтмиш тарихимизни, маданиятимизни ўрганиш имкониятига эга бўлсак, кўп нарсадан ютган бўлур эдик.

Қишлоғимизда ўзига хос маданиятга эга бўлган араблар яшайди. Уларнинг тарихий илдизи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Араблар ўз миллий тиллари, урф-одатларини сақлаб қолишган. Ўзим ҳам шу миллатга мансубман. Қишлоғимизда миллий маданий марказ тузганмиз. Шу марказ орқали араб мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирсак деган умидимиз бор.

Ҳозирги кунда араб нақшларида гиламлар тўқишяпти. Каштачилик цехлари очилди. Уларни кенгайтириш ниятидамиз. Ана шу маҳсулотларни четга чиқариш эзгу орзуйимиз. Сессияда «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилганлиги мени қувонтирди. Бу бизнинг юқоридаги уринишларимиз қонун билан мустаҳкамланишига умид бағишлайди.

Хўжалик раҳбари сифатида бир масалани кўтармоқчиман. Бу йилги об-ҳаво шароити жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқарди. Пахта ва бошқа экинлар қаттиқ зарарланди. Ғўза ривожланиши ўн-ўн беш кун орқада қолди. Ғўза ривожи учун керакли фойдали ҳарорат етарли эмас. Шунинг учун ғўзани сунъий ривожлантириш тадбирларини кўришимиз керак. Айниқса трактор ёрдамида культивацияни 2-3 марта ўтказишга тўғри келади. Агротехника тадбирларини тез ва сифатли амалга оширишга бутун қалб қўримиз ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун ўз вақтида қабул қилиняпти, деб ҳисоблайман. Чунки бундан буён биз хомашё базасигина бўлиб қола олмаймиз. Бундан кейинги тараққиётимизда чет эллар билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш, зарур жойда улардан ўрганиш катта аҳамият касб этади.

---

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ А. МУТАЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Абдулҳошим Муталов Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазири вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ А. Ш. ҲАБИБУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Асхат Шарипович Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ А. С. МОРГАСОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Анатолий Сергеевич Моргасов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ Ғ. АЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Ғулом Алиев Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲАКАМЛИГИНИНГ ИДОРАЛАРИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Давлат ҳакамлиги Ўзбекистон ССРнинг Олий ҳакамлик судига, вилоятларнинг давлат ҳакамликлари тегишлича областларнинг ҳакамлик судларига айлантирилсин.

Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгашига Қорақалпоғистон МССР Давлат ҳакамлигини Қорақалпоғистон МССР ҳакамлик судига айлантириш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш тавсия этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди республика ҳакамлик судларига раҳбарлик қилади, уларнинг маблағ, моддий-техника ва ўзга таъминоти масалаларини ҳал этади.

3. Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг ўринбосарларини, вилоят ҳакамлик судларининг раисларини Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон ССР Президенти тайинлайди.

Қорақалпоғистон МССР ҳакамлик судининг раисини Ўзбекистон ССР Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси киритган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгаши сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судларининг ҳакамларини, вилоят ҳакамлик

**(Давоми иккинчи бетда).**

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ Р. А. ХАЧАТУРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками ўртоқ Роберт Альбертович Хачатуров Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ У. Қ. МИНГБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Убайдулло Қурбонович Мингбоев Тошкент шаҳар судининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

## Вилоятлардан хабарлар

**Нима? Қачон? Қаерда?**



# Сирдарё

● ГУРУНГХОНА

### ОТАХОНЛАР ИЗЗАТДА

**Гулистоннинг гавжум ва обод маҳаллаларидан бирида замонавий чойхона биноси қурилди.**

Чойхонада қариялар учун қатор қулайликлар яратилди. Ўзига хос гурунгхонага «Нуроний» номи берилди. Қурилиш ишларига 200 минг сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилди. Чойхонада бир йўла 120 кишига хизмат кўрсатиш мумкин. Бу ерда шунингдек, тўй ва бошқа маъракалар учун шароит бор. Чойхона Гулистон шаҳридаги 10 та гурунгхонадан бири ҳисобланади.

● ИҚТИСОДИЕТ

### ГЎШТ КОМБИНАТИ

**Сирдарё шаҳри яқинида гўшт комбинати фойдаланишга топширилди. Бу корхона вилоятда ягона ҳисобланади. Комбинат бир кеча-кундузда 10 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш қувватига эга.**

Корхонани барпо этишда 1-«Облагропромстрой» трестига қарашли 36, 38 ҳамда 42-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари меҳнат қилдилар. 900 минг сўмлик объект қарийб 7 ой мобайнида қуриб битказилди. Бу борада Х. Чиннибеков, О. Керимов, Ю.Рубцов, О. Ғозиев, Ж. Худойбердиев, Р. Селяметов каби тажрибали бунёдкорлар астойдил ғайрат кўрсатишди.

● ҲОВЛИ ТУИИ

### ЖАМОА ҲИММАТИ

**Янгиердаги В. И. Ленин номли қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати меҳнаткашларга 10 та замонавий коттеж — уй қуриб берди.**

Корхона ишчи-хизматчилари учун мўлжалланган мазкур уйлардан иккитаси серфарзанд оилаларга бепул совға қилинди. Комбинатнинг 1-темир-бетон буюмлари заводи кранчиси Рашида Жабборова билан ишчи Юсуф Муҳиддиновлар биринчи бўлиб ана шундай туҳфага эга бўлишди.

● ТРАНСПОРТ

### УЗОҚ ЯҚИН БЎЛДИ

**Вилоят маркази — Гулистон шаҳри билан Оқолтин райони ҳудудида жойлашган Ворошилов номли давлат хўжалиги ўртасида автобус қатнай бошлади.**

Қўриқ воҳа автотранспортчилари имкониятларини ҳисоблаб йил охиригача жаъми 8 та маршрут очишга қарор қилишган. Чунончи, Гулистон — Чимкент, Гулистон — Туркистон ва бошқа қатор манзилларга автобуслар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

● ТАДБИРКОРЛИК

### ФЕРМАДА ИМТИҲОН

**Сирдарё районидаги «Малик» давлат хўжалигида ўзига хос хайрли ишга қўл урилди.**

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги илмгоҳи чорвачилик куллиётининг сиртқи бўлими битирувчилари ўз диплом ишларини қадрдон фермаларида ҳимоя қилишлари учун имконият яратилди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган сут соғувчи Ҳайитгул Рустамова, ёш мутахассислардан Саврон Чилтонов, Эгамберди Саломатов ва бошқалар ўз диплом ишларини хўжалик мисолида, илғор тажрибалар асосида ёзган эдилар. Талабалар диплом ишларини муваффақиятли ёқлашди. Илмгоҳ ректорининг қарорида ҳамда профессор Э. Карчевский бошлиқ олимлар ҳам хўжаликнинг етакчи чорвадор мутахассислари сўзида ёшларнинг изланишларига юксак баҳо берилди.

● БОЛАЛАР ДУНЕСИ

### ТЕКИНГА КИНО

**Вилоят марказидаги «Наврўз» кинотеатрида мактаб ўқувчилари учун бепул кинофильмлар намойиш этиш йўлга қўйилди.**

Бу жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорини амалга ошириш йўлида қўйилган дастлабки қадамдир. Ўқувчи ёшлар ўз мураббийлари бошчилигида «Алишер Навоий» тарихий кинофильмини томоша қилишди. Вилоят кинолаштириш маҳкамаси бундай хайрли тадбир мунтазамлигини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

● ҒАМХЎРЛИК

### ФАХРИЙЛАРГА МАШИНА

**Гулистон шаҳри маркази — Ленин майдонида қизиқарли тадбир ўтказилди. Бу ерда воҳанинг фахрийлари тўпланишди.**

25 нафар Улуғ Ватан уруши ногиронларига «Запорожец» машиналарининг калитлари топширилди. Кўпгина уруш ва меҳнат фахрияларига эса Ҳиндистондан келтирилган қимматли совға-саломлар ҳадя этилди. Мамлакатимизда иқтисодий тангликни ўнглашга ҳаракат қилинаётган мураккаб дамларда ўзларига нисбатан кўрсатилган бундай ғамхўрлик ва эътибор учун қариялар чуқур миннатдорчилик билдирдилар.





● ТАБОБАТ

### ТАЪМИРЛАНГАН БИНОДА

**Сирдарё шаҳри ва райони аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Фойдаланишга топширилган шифохона хизматидан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.**

Шифо маскани учун автокорхонанинг маъмурий биноси қўл келди. Қайта таъмирланган бино шифохона учун мослаштирилди. Бу ерда ички касалликлар, тиш даволаш, жарроҳлик, ортопедия, болалар бўлимлари ишлаб турибди. Шунингдек табиий даволаш кабинети ҳам ташкил этилган.

— Шифохонамиз кунига 200 нафар беморга хизмат кўрсатиш имконига эга, — дейди бош врач Абдураим Холбоев. — 12 нафар шифокор, 20 дан ортиқ ҳамшира ишламоқда. Чунончи, даволовчи врач Жаннат Умарова, болалар шифокори Баҳри Шамсиева, жарроҳ Рафаэл Исоҳоров ҳамда шифокор Владимир Деренковлар хизматидан кўпчилик мамнун.

Қурилиш ишларини Бахт шаҳридаги 1-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари уддаладилар.

**Х. ПАРДАБОЕВА.**

**Сураткаш Муҳаммад Карим олган тасвирларда янги поликлиника врачлари ҳамда болалар шифокори Баҳри Шамсиевани кўриб турибсиз.**

● ЯХШИДАН БОҒ

### ЙИЛИГА БИР МИЛЛИОН

**Бу ер район миқёсидаги аэродром ҳисобланарди. Майдон ғўза баргини тўктиришга мўлжалланган самолётларнинг қўниб учишларига мослаштирилган эди.**

Энди бу майдон боғ-роғга айлантирилмоқда. «Боёвут» давлат хўжалиги меҳнаткашлари 15 гектарлик ана шу жойда мевали ва манзарали дарахтлар ўстириб, ўзига хос яшил бўстонни вужудга келтирдилар. Кўкаламзорлаштириш ишлари ниҳоясига етказилгач, бу ердан 1 миллион туп атрофида кўчат етказиш мумкин бўлади.

● ҚУЛАЙЛИК

### ПОКИЗАЛИК МАСКАНИ

**Гулистон районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари покизалик ва саломатлик учун яратилган қулайликдан беҳад хурсанд бўлишмоқда.**

Боиси, хўжаликда барпо этилган ҳаммом биноси шарқона усулда бунёд этилган бўлиб, барча қулайликларга эга. Бу ерда бир йўла 60 кишига маиший хизмат кўрсатиш мўлжалланган. Бу билан район хўжаликларида барпо этилган ҳаммомлар сони 3 тага етди.

● АНЪАНА

### СОВРИН ВА ИМТИЁЗ

**Гулистонда вилоят мактаб ўқувчиларининг анъанавий олимпиадалари бўлиб, мингга яқин мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.**

Бу сафарги тадбирларнинг қувонарли томони шундаки, фанлар бўйича ўзаро баҳсда совринли ўринни эгаллаган ҳар бир ўқувчи Ғафур Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика илмгоҳида имтиҳонсиз қабул қилиниш имтиёзига эга бўлди.

**Ахборотлар туркумини Сирдарё вилояти бўйича мухбиримиз Абдужалил УМАРОВ тайёрлаган.**

● *Миш-мишми ёки...*

## БОЛАЖОН ХАЛҚМИЗ

Эшитган бўлсангиз сўнгги кунларда жумҳуриятимиз пойтахти бўйлаб оилада тўрттадан ортиқ фарзанд кўриш тақиқланганмиш, агар шундан ортиқ фарзанд кўрсангиз озиқ-овқат учун талонлардан маҳрум этилар экан, деган миш-мишлар юрибди. Шу жумладан рўзномамизга кўплаб қўнғироқлар бўлиб, наҳотки Ўзбекистонда кўп болаликка қарши кураш бошланган бўлса, деб мурожаат этишмоқда.

Бу миш-мишларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини аниқлаш учун жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Дилovар Насимовна Қобуловага мурожаат қилдик.

— Бизни ҳам шу савол безовта қилмоқда. Даволаш муассасаларида гўёки бешинчи фарзандни туғиш тақиқланади, деган миш-мишларни тарқатаётганлар пайдо бўлганмиш. Аниқ айтаман: туғиш ҳеч кимга тақиқланмаган. Ҳар бир оила қанча фарзанд кўришини ўзи ҳал қилади. Биз фақат оналарнинг соғлом фарзандлар туғишлари, ўзлари соғлом бўлишлари учун табобат йўл-йўриқларини кўрсатамиз, холос.

Шу ўринда жумҳуриятимизда кейинги пайтда болалар ўлими даражаси пасайганлигини айтмоқчиман. Хабарингиз бор, жумҳурият Президенти фармонига биноан оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам анчагина имтиёзлар яратилди. Бу йил икки ёшгача бўлган болаларга бепул озиқ-овқат учун 15 миллион сўм ажратилди. Камқонлик касаллигига дучор бўлган ҳомиладор аёлларга бепул дармондорилар бериляпти. Кам таъминланган оиладаги шу касал билан оғриган ҳомиладорларга ойига 60 сўмлик бепул озиқ-овқат ҳам берилмоқда.

Тўғри, кейинги пайтда ҳомилали аёллар орасида ўлимнинг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Уларнинг аксарияти буйрак, жигар, камқонлик, юрак касалликлари билан нобуд бўлмоқдалар. Бундай аёлларнинг кўпчилиги эса беш-олти ва ундан ортиқ фарзанд кўрган оналардир. Шу сабабдан биз сурункасига туғиш она саломатлигига зарарли эканлигини аёлларимизга яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз, холос.

Айтиш мумкинки, бу миш-мишларнинг барчаси жумҳуриятдаги сиёсий муҳитни беқарорлаштиришга олиб боради. Яна бир бор эслатаман, туғиш ҳеч кимга тақиқланган эмас.

**Суҳбатни Д. ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.**


## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ҲАҚИДА**

(«Совет Ўзбекистони»нинг 1991 йил 1 июнь сонига қаранг)

Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти ректорати шуни маълум қиладики, бошқарув куллиётида уч йиллик кундузги ўқиш бўлимига ҳамда иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш (менежмент), халқаро иқтисодий алоқалар (маркетинг) ихтисосликлари бўйича тўрт йиллик сиртдан ўқиш бўлимига ҳужжатлар қабул қилиш муддати 1991 йил 25 июнгача узайтирилди. Июнь ойи охирида ўқишга кирадиганлар суҳбатлашишга таклиф этиладилар.

Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти ректорати айни пайтда шуни ҳам маълум қиладики, бошқарув куллиётида халқ хўжалиги тармоқларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш амалга оширилади. Улар «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (менежмент)» ва «Ташқи иқтисодий фаолият (маркетинг)» курслари бўйича беш ойлик ва ўн ойлик дастур асосида билим оладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган курсларга тингловчилар халқ депутатлари Кенгашлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг йўлланмаси билан шартномавий асосда қабул қилинади.

Шунингдек, мана шу курсларда мустақил таълим олишни истаган шахслар ҳам қабул қилинадилар.

Ўқиш учун ҳақ тасдиқланган нархлар бўйича олинади.

Институт манзилгоҳи: 700137, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 54-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: 67-58-44, 67-67-69, 33-84-86.

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЕРАКМИ?**

**УЛАРНИ ЎЗИНГИЗ ТАЙЕРЛАНГ!**

Бизнинг қурилмаларимиз ёрдамида Сиз ташқи деворлар ва ички тўсиқлар учун қурилиш блоклари ишлаб чиқаришини осонгина ва тез фурсат ичида ташкил қилишингиз мумкин.

Тўлдирувчи сифатида аглопорит, керамзит, гилак ва бошқа арзон материаллардан фойдаланилади.

Битта қурилманинг унумдорлиги — сменасига 2,5 куб метр;

истеъмол қуввати — соатига 1 вт. дан ошмайди;

1—2 киши хизмат кўрсатади.

Қурилмалар бетонқориштиргичлар билан бирга берилиши мумкин.

**Алоҳида қурилмалар, бетонқориштиргич ёки буларнинг ҳаммасини биргаликда олиш учун қуйидаги манзилга буюртма бериш лозим:** Белоруссия ССР, 220114, Минск шаҳри, Староборисовский тракти, 15а-уй, 505-хона. «Шаг» кичик корхонаси. Телефон 64-65-11.

ШАРТНОМА ТУЗИЛГАНДАН КЕЙИН УСКУНАЛАР ТЎПЛАМИНИ ТАЙЕРЛАБ БЕРИШ МУҲЛАТИ — БИР ОЙ. ШОШИЛИНГ!

**«БЕЛОР» РЕКЛАМА ФИРМАСИ**


● *Спорт* ●

## ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРГА ЎРИН БЕРМАЙ

**Мухлислар Москва олимпиадасига тайёргарликнинг асосий босқичи ҳисобланган спартакиада мусобақаларининг тантанали очилиши бетакрор таассуротларга бой бўлганини ҳамон эслашади.**

Бундай тантана олимпиаданинг бош репетицияси бўлгани учун ҳам жаҳон спортчиларининг Москва анжумани фақат хотирадагина эмас, китобларда, киноленталарда сақланмоқда. Дунёнинг турли шаҳарларидан келган 80 дан ортиқ мамлакат вакиллари Москва олимпиадаси деса ҳамон энтикиб қўйишлари ҳам шундан.

Эндиги давр талаби бўлакча. Биз ҳозир қайта қуриш нафаси билан яшамоқдамиз. Янгиланиш, покланиш даври ҳамма соҳада бўлгани каби спорт мусобақаларига ҳам дахлдор бўлиши табиий. Бу келаси йили ўтказиладиган олимпиада мусобақаларига тайёргарлик босқичи — СССР халқлари X спартакиадасини ташкил этиш ишларига ортиқча сарф-харажатлар қилинмаётганида кўринмоқда. Мазкур спартакиаданинг очилишига саноқли кунлар қоляпти. Зеро, мусобақа ташкилотчилари бундай маросимни босиқ ва вазминлик билан, ҳеч қандай тантана ва шовқин-суронсиз ўтказишни режалаштиришган.

Чунончи 6 июль куни Москвада бўладиган ана шу хайрли воқеадан кўпчиликнинг бехабар қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бу сафар спартакиада иштирокчилари бўлган жумҳуриятларнинг терма жамоаларини саф тортиб ўтишлари-ю, байроқдорларнинг шахдам қадамлар билан юришлари, қолаверса, байрамона тус бериш кўзда тутилмаган. Унинг ўрнига унчалик оммалашмаган спорт турлари бўйича баҳслар уюштирилади. Шунингдек, ана шу тадбирга «Спорт — ҳамма учун» фестивалини қўшиб юбориш ҳам мўлжалланмоқда.

Сирасини айтганда спартакиадани ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан қийин кечаётгани кўриниб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кўпчиликни қизиқтирган баскетбол, волейбол, қўл тўпи, мерганлик, чим хоккей каби спорт турлари, жами 10 та мусобақани спартакиада дастуридан олиб ташлашга мажбур бўлинди. Бунинг устига спортнинг кўпгина турлари бўйича жамоа ҳисоби чиқарилмай, ғолиблар ўрни белгиланмай қолиши мумкин. Спартакиада низомига мувофиқ мусобақалар мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ўтказилади. Жумладан, 13—18 июнь кунлари Москвада бейсболь баҳслари ўтказилса, Минскда шу кезлари самбочилар ўзаро беллашадилар. Шу кунлар Ватанимиз пойтахтида сузувчилар ўзаро баҳслашмоқда.

Жумҳуриятимиз спортчилари ҳам ишончни оқлашга ҳаракат қилишмоқда. Дзюдочиларимизнинг чиқишлари чакки бўлмади. Қиличбозлар ўрта поғоналардан жой олишди. Куни кеча Минскда якунланган самбочи хотин-қизлар мусобақасида иккита бронза медали қўлга киритилди. Марина Михеева билан Тамара Парфеновалар спартакиада совриндори бўлишди. Инна Кулакова кучли олтиликдан жой олди. Олдинда эса қизғин ва муросасиз баҳслар турибди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Совети ҳузурида меҳнат биржаси ташкил этилди. У ишсизларни ишга жойлаштириш, ҳозирча ишламаётган кишиларга нафақаларни расмийлаштириш масалалари билан шуғулланади.

* * *

Фарғона вилоятининг Бағдод район марказида икки қаватли темирйўл вокзали биноси йўловчиларни қабул қилди. Йўловчилар платформаси ҳам таъмирланди. Унинг узунлиги 650 метрга етказилди. Ўрта Осиё темир йўли фуқаро қурилиши Қўқон дистанцияси бу иншоотларни қурди.

(ЎзТАГ).


●

**ВАҚТИНЧАЛИК МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ, ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАШ УСТАХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

БУ—СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

**Фақат даромад солиғини ушлаб қолиш шарти билан бажарилган иш ҳажмининг 85 фоизини тўлаган ҳолда воситачилик** (излашга оид бўлмаган)

**ХИЗМАТЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ**

**Мулоқот телефонлари: 68-97-80** (кечаю кундуз). **24-92-20** (соат 20 дан 23.00 гача).


Ўзбекистон Давлат Академик драма театри жамоаси Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Тожиевга онаси

**Мушарраф ТОЖИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жамоаси ташкилий-услубият бошқармасининг катта муҳаррири П. Эргашевга қизи

**Замира ЭРГАШЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.





БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 24.00.

№ 113. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12